

САДРИДДИН АЙНИЙ – ЗАМОНДОШИ ФИТРАТ ҲАҚИДА**Фаррух Темиров****Дониёр Исломов**

Бухоро давлат университети

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада маърифатпарвар адиб, йирик сўз санъаткори ва жамоат арбоби Садриддини Айний томонидан замондоши ва ҳамфикри аллома Абдурауф Фитрат ҳақидаги илмий-адабий фикр-мулоҳазалоари илмий нуқтаи назаридан таҳлил этилган

Калит сўзлар: Жадид, матбуот, адабиёт, мактаб, мадраса, Истанбул, Эрон, маориф, маданият, инқилоб, мударрис, жамият, мунозара.

SADRIDDIN AINIY - ABOUT HIS CONTEMPORARY FITRAT**Farrukh Temirov****Doniyor Islomov**

Bukhara State University

ABSTRACT

This article analyzes the scientific and literary views of the enlightened writer, great orator and public figure Sadriddini Aini on his contemporary and like-minded scholar Abdurauf Fitrat from a scientific point of view.

Keywords: Jadid, press, literature, school, madrasa, Istanbul, Iran, education, culture, revolution, teacher, society, discussion.

КИРИШ

Тарихнавис адиб, йирик сўз санъаткори, Бухоро тарихининг мохир билимдони Садриддин Айний (1878-1954) олимлар, шоирлар умуман ўз даврининг ўқимишли, зиёли кишилари тўғрисида қимматли маълумотларни тарихий, бадиий ва мемуар характеридаги асарларида кўрсатиб ўтади. Бу жиҳатдан унинг 1926 йилда Москвада, ўзбек тилида, (араб имлосида) чоп этилган “Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар”, “Қискача таржимаи холим”, “Намунаи адабиёти тоҷик” (“Тоҷик адабиёти намуналари”) ва “Эсдаликлар” каби йирик асарлари муҳим аҳамиятга эгадир.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ, МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

С.Айний ўзининг 1926 йилда Москвада, тоҷик тилида, (араб имлосида) нашр этилган “Намунаи адабиёти тоҷик” (“Тоҷик адабиёти намуналари”) асарида [1] Фитратнинг адабий мероси, шоирлик истеъдоди ва унинг Бухоро адабий ва

илмий муҳитида тутган мавқеи ҳақида сўз юритса, “Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар” номли тарихий асарида Фитратнинг жадиличлик фаолияти, маъориф ва маданият соҳасида олиб борган ишлари, сиёсий-ижтимоий қарашлари ва илмий тадқиқотлари тўғрисида муфассал маълумотларни келтириб ўтиб, уни эҳтиром ва самимият билан тилга олади.

С.Айний “Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар” асарида Фитрат ҳақида кўйидаги муҳим маълумотларни келтириди: “Бухоро инқилоби тарихида Фитрат ва унинг асарлари муҳим ҳисобланади, бу борада алоҳида бобда ёзиш лозим бўлди. Фитрат 1910 йил баҳорида ҳамроҳи Муқимбек билан Эрон йўли орқали Истанбул кетган эди. Фитрат зотан истеъдодли Бухоро талабаларидан бўлиб, эски адабиётда ва улуми арабийда маҳорат пайдо қилган эди. Охириги йилларда илм соҳасида, янги адабиётга фикри очилиб, Бухоронинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва илмий аҳволини ўрганиб, вилоят атрофларига сафар қилиб, муҳим маълумотларни тўплаган эди” [2].

Шуни ҳам эслатиб ўтиш лозимки Садриддин Айний ва Абдурауф Фитрат айни бир даврда яшаб, бир илмий муҳитда таълим ва тарбия олиб, кўпгина тарихий воқеаларнинг жонли гувоҳи бўлган маърифатпарвар адиблар ҳисобланади. Айний ва Фитрат доимо дўстона алоқада бўлган. Улар Бухорода илму – маърифатни тарқатишда ва юксалтиришда, ёш авлоднинг тафаккурини бойитиш, миллий адабиётни жамиятга хизмат қилдириш билан шуғулланган ижодкорлар ҳисобланади. “Фитрат Бухорода 18 ёшларига қадар ўқиди. Сўнг ҳаж қилди. Туркия, Ҳиндистон, Арабистонда бўлди”- деб ёзади Айний.

1909 йилда Бухородан камоли таҳсил учун рафиқларимиздан Усмонхўжа Пўлат ўғли, унинг биродари Атохўжа, Мазҳар Маҳзум - Бурҳон Маҳзум ўғли, Муқимбек ва Абдурауф Фитрат Истанбулга сафар қилдилар. А.Фитрат Бухоро ўқувчиларининг, анинг истеъдодли, ҳам анинг фозили саналар эди. Мирзо Абдулвоҳид Мунзим мактабига кўп қатнашиб юрган бўлмасада, мударрис Абдуқодир Маҳзум воситаси билан “Сироту-л-мустақим” [3] мажмуасини мутолаа қилиб фикри очилган: Истанбул сафари учун ҳозирламоқ кўруб юрган эди. Мазкур талабалар қаторида ул ҳам Истанбулга кетди”.

1909 йилда Бухоро жадиждари: Аҳмаджон Ҳамдий, Абдулвоҳид Мунзим, Ҳамидхожа Меҳрий, Садриддин Айний, Хожа Рафеъ, Мукамал Бурҳонлар “Тарбияи атфол” (“Болалар тарбияси”) номли яширин жамият тузадилар. Шунинг учун “Тарбияи атфол” жамияти иқтидорли ёшларни Оренбург, Уфа, Қозон, Боғчасарой, Истанбул каби шаҳарларга ўқишга юборишни биринчи вазифа сифатида белгилаган. Бундан кўринадики Фитрат ва унинг дўстлари ушбу жамият тарафидан Истанбулга юборилган.

Туркияга ўқишга келган ёшлар Истанбулда Фитрат бошчилигида “Тарбияи атфол” жамиятининг “Бухоро таъмили маъориф жамияти” (“Жамияти нашри

маорифи Бухоро”) номи билан унинг шўъбасини очадилар. С.Айний келтирган маълумотларга қараганда “Бухоро таъмили маориф жамияти” нинг ташвиқот ва тарғиботи билан 1911 йил таҳсилида Истанбул мактабларида бухоролик ёшлар 15 нафарга ва 1912-1914 йилларга келиб уларнинг сони катта-кичик 30 тага етади[4]. Фитрат Истанбулда, 1909 йилда, ўзининг машҳур “Мунозара”, 1911 йилда, “Ҳинд сайёҳи баёноти” публицистик асарларини, 1910 йилда эса “Сайҳа” шеърлар тўпламини яратиб, нашр этилишига эришади.

Тарихнавис адиб Айний ёзганидек, Бухорога яширин йўллар билан олиб келинган бу асарлар, айниқса, тўлиқ номи “Ҳиндистонда бир фаранги ила бухороли мударриснинг қилғон мунозараси” ҳамда “Ҳинд сайёҳи баёноти” асарлари “Ёш бухороликлар”нинг дунёқарашларини кескин ўзгартириб юборади ва кейинчалик Бухоро амирлигини ларзага келтирган ҳаракатнинг бошланишига сабаб бўлди. 1914 йилда Фитрат Бухорога маориф ва маданий-ижтимоий қурилиш ҳақидаги янги ғоялар билан қайтиб келади. Айнийнинг ёзишича, шу тарихда жадиждларнинг ўзи “эски” ва “янги” фикрлилар, яъни жадиждларга ажралади. “Эски” қанотга - Абдулвоҳид Бурҳонов (Мунзим), “янги” қанотга эса Абдурауф Фитрат бош бўлиб қоладилар.

1917 йил Феврал инқилобидан сўнг Фитрат раҳбарлигида Бухоро жадиждлари, ёшлар ташаббуси билан янги марказ “Ёш бухороликлар” партияси ташкил топади. Унинг Марказий Қўмитаси тузилиб, Абдулвоҳид Бурҳонов (Мунзим) раис, Фитрат – бош котиб, П.Усмонхўжаев – хазиначи: Файзулла Хўжаев ва яна беш киши аъзо илиб сайланади.

С.Айний ўзининг “Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар” асарида Фитратнинг илмий ижодий йўли ва асарларига кўпроқ тўхталиб ўтган. Жумладан, Фитратнинг “Мунозара”, “Сайёҳи ҳинди”, “Раҳбари Нажот”, “Оила”, “Сайҳа” ва “Мусулмонони Дор-ур-роҳат” каби асарлари ҳақида қисқача, лекин муҳим маълумотларни келтириб ўтади. Масалан, Фитратнинг “Мунозара” асари хусусида қуйидагиларни ёзади:

“Биринчи асари форс тилида “Мунозара” номида бўлиб, унда қадим жадижд муҳокамалари ҳам қарор топган эди. Бу асар содда форсий тилда Бухоро халқининг аҳволи руҳияси эътиборга олинган, роман тарихида ёзилган эди. Бухоро халқига яхши таъсир кўрсатди. Фитрат моддий жиҳатдан қўли қалта бўлишига қарамасдан, ўз сармоясидан бу китобни Истанбулда нашр қилиб, Бухорога узатди. Тараққийпарвар мударрис Абдулвоҳид Маҳдум (1918 йилда Тошкентда вафот этган) бу асарнинг 150 нусхасини хўржинига солиб одамларга берди, ким ўқий олмайди ўзи ўқиб берарди. (Бу китоб Ҳожи Муин Самарқандий томонидан ўзбек тилига таржима ва нашр этилди)”.

Ҳақиқатдан ҳам С.Айний айтганидек Фитратнинг “Мунозара” асари Бухоро халқига, ёшларнинг тафаккурини уйғотишга катта таъсир кўрсатади. Фитрат ушбу

асарини 1909 йилда ёзиб, 1912 йилда Истанбулда ўз маблағидан нашр этади. Муаллиф асарни форс-тожик тилида яратган. 1912 йилда Ҳожи Муин ўзбек тилига таржима қилиб “Туркистон вилоятининг газети” рўзномасида босдиради. 1913 йилда Маҳмудхўжа Бехбудийнинг сўнгги сўзи билан алоҳида китоб ҳолида чоп этилади. Шу йили рус тилига ағдарилади. “Туркестанские ведомости” газетасининг 13, 15, 20 октябр сонларида В.Б.Андреевнинг у ҳақдаги тақризи босилади[5]. Айний “Намунаи адабиёти тожик” асарини тузганда мана шу Фитрат тўпламидан бир неча шеърларни келтириб, Фитратни XX аср форс-тожик шеърятининг асосчиси сифатида кўрсатади[6].

Хўжаевнинг қайд этишича, Усмонхўжа Пўлатхўжаев томонидан 1913 йилда очган янги усул мактаби анча шуҳрат топган. Ҳамидхўжа Меҳрий ҳам Ҳовузи Арбоб гузаридаги уйини қайта таъмирлаб, янги усул мактабини ташкил этган. Пойи остона гузарида Мулло Вафо номли мударрис жаид мактаби очиб, рус ва форс тилидан дарс берган. Хиёбон гузарида Мирза Исмоилнинг укаси томонидан катталар учун савод чиқариш мактаби ташкил этилиб, унда илм ихлосмандари хат-савод, ҳисоб ва география фанларидан дарс олган.

Бухоро шахрининг Моркуш ва Хиёбон гузарларида очилган мактабларни шаҳарнинг бой савдогарлари таъминлаб турган. Мактабларда ўртаҳол ва камбағал кишиларнинг фарзандлари ҳам таълим олган. Шайх Абулқосим ва Шайх Мирзо Ҳабиб каби тажрибали ўқитувчилар мазкур мактабларда дарс берган. 1912-1913 йилларда Бухоро шаҳрида мулло Абулқосим, Мукомилиддин махсум, Гиёс махсум Ҳусайн томонидан яширин мактаблар очилиб, уларда 100 дан ортиқ болалар ўқиган. Бошланғич синфлар учун дарсликлар яратилиб, унда ҳарфни ўргатиш, Қуръони каримни ўрганиш қоидалари, шариат тўғрисида маълумотлар берилган.

Янги усул мактаблари нафақат Бухоро шаҳрида, балки амирликнинг кўпгина беклик ва туманларида ҳам фаолият кўрсата бошлаган. С.Айнийнинг айтишича, 1908-1912 йилларда Каркида татар болалари учун мактаб, рус тилини ўрганувчилар учун тўғарақлар очилиб, кутубхоналар фаолият кўрсата бошлаган. Қори Йўлдош Пўлотов, Фазлиддин Махзум, Ҳожи Жўрақул, Абдуфаттоҳжонлар бу жараёнда фаол иштирок этишади. Амирликнинг Шаҳрисабз беклигида Ислонкул тўқсоба ўз уйида янги мактаб очиб, унда ишлаш учун Тошкент ва Самарқанддан бир неча муаллимларни таклиф этган.

Ғиждувон туманида Абдулҳакимхўжа ҳам янги усул мактабини очишга муваффақ бўлади. Қоракул туманида амлоқдор Ғулом Қодир билан Қози Икром бир неча мактаб очиб, ўзлари ва хоҳловчиларнинг болаларини ўқитган. Бу ерда Сулаймонхўжа томонидан газета ва китоблар келтирилиб, кутубхона ишлари ҳам йўлга қўйилган. Шофиркон, Вобкент ва Ванғозе туманларида ҳам мактаблар ташкил этилиб, татар муаллимларидан фойдаланилган. Тараққийпарвар олим

“Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар” асарининг “1914 йиллардаги ҳоллар ва мактаблар” бўлимида ёзишча, 1914 йилга келиб Бухорода ном чиқарган, Усмонхўжанинг мактабида тахминан 200 нафар[31:105], Ҳамидхўжа Меҳрийнинг мактабида эса 100 нафар, Мукаммалиддин маҳдумнинг мактабида 50 нафар, Хиёбон гузарида жойлашган мактабда 40 нафар, Моркуш гузаридаги мактабда 150 нафар, Мулла Вафонинг мактабида 80 нафар ўқувчи таълим олган.

ХУЛОСА

Айнийнинг келтирган фикр-мулоҳазаларидан кўринадики, ҳар иккала маърифатпарвар адиб, ўз ижодларига бефарқ бўлмаган, ҳаммаслак бўлиб, бир-бирларни доимо қўллаб-қувватлаган. Зеро бу икки олим нафақат Бухоро учун, балки Ўзбекистон учун, унинг равнақ топишига, обрў-эътиборини кўтаришга, керак бўлса жонларини фидо қилишга тайёр бўлган ўзбек халқининг асл фарзандлари эди.

REFERENCES

1. Айний С. Намунаи адабиёти тоҷик.- Москва, 1926.- Саҳ. 453-455.
2. Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. – Москва: ССР халқлари марказий нашриёти 1926. - Б. 86-88.
3. XIX аср охири – XX аср бошларида Туркияда нашр этилган ижтимоий-сийсий газета. Бош муҳаррири, машҳур турк шоири, Туркия жумҳуриятининг давлат мадҳияси “Истиклол марши” нинг муаллифи (724 шоир ичида ғолиб чиққан) Меҳмед Акиф. Фитрат Истанбулга таҳсилга келган вақтида ушбу шоир билан танишган ва бир қанча мақолаларини 1911 йилдан “Сироту-л-мустақим” да чоп этган.
4. Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. – Москва: ССР халқлари марказий нашриёти 1926. - Б. 87.
5. Миллий уйғониш даврида ўзбек адабиёти. Т.: “Маънавият” 2004. – Б. 352.
6. Садриддин Айний. Намунаи адабиёти тоҷик. – Москва, 1926. – Саҳ. 534-545.
7. Boltayev, Bobir Vaxtiyorovich. "BUXOROLIK MINIATURACHI-RASSOM SADRIDDIN POCHCHAYEV IJODIGA BIR NAZAR." *Scientific progress* 1.6 (2021): 998-1004.
8. Rajabov, Oybek Iskandarovich. "BUXORODAGI AYRIM MUQADDAS QADAMJO-QAL'ALAR XUSUSIDA." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1162-1168.
9. Умаров, Б. Б. "НА КИСЛЯКОВ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ЖАНУБИЙ ТОҶИКИСТОН ЭТНИК ТАРИХИ." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1005-1009.
10. Тўраева, Г. Б., Ўтаева, Ф. Х., & Жумаева, Н. А. (2021). ОА СУХАРЕВА ТАДҚИҚОТЛАРИДА БУХОРО ТАРИХИ ВА ЭТНОГРАФИЯСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ. *Scientific progress*, 1(6), 1010-1018.
11. Vakhitiyorovich, Boltayev Bobir. "Excerpts from the life of the bukharian artist." *Middle European Scientific Bulletin* 12 (2021): 160-165.

12. Ochilov, A. T. "DATING OF THE ZAMANBABA CULTURE: ASSED ON ARCHAEOLOGICAL SOURCES." *Theoretical & Applied Science* 12 (2019): 589-591.
13. Mubinov, M. A. "Diplomacy of the eastern states and central asian khanates in the struggle for independence." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 26-31.
14. Maksud, Beshimov. "Markets of Bukhara." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 18-21.
15. Зарипов, Жахонгир Гулмуродович. "ОРГАНИЗАЦИОННО-ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ ПЕРЕСЕЛЕНИЯ НАСЕЛЕНИЯ (НА ПРИМЕРЕ БУХАРСКОЙ ОБЛАСТИ УЗБЕКСКОЙ ССР)." *Scientific progress* 2.1 (2021): 351-357.
16. Sharopov, Dilshod Ravshan O'G'Li. "ABDURAZZOQ SAMARQANDIYNING "MATLAI SA'DAYN VA MAJMAI VAHRAYN" ASARINING O'RGANILISH TARIXI." *Scientific progress* 2.1 (2021): 358-361.
17. Очилов, Алишер Тўлис Ўғли. "БУХОРО ВОҲАСИ ШАКЛЛАНИШИДА ЗАРАФШОН ДАРЁСИНИНГ ЎРНИ ВА ВОҲА ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР." *Scientific progress* 1.6 (2021): 933-938
18. Murodova, Dilrabo Shomurodovna, and Feruza Xolmamatovna O'tayeva. "TF Gelax tadqiqotlarida Buxoro shahri mudofaa tizimining organilishi." *The Fifth International Conference on History and Political Sciences*. 2015.
19. Turaevich, Halimov Talat. "From the history of economic relations between central asia and india (XV-XVII centuries)." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 22-25.
20. OCHILOV, Alisher. "JEWELRYC TRADITION IS A SOURCE OF STUDY OF BUKHARA HISTORY." *Bayterek Uluslararası Akademik Araştırmalar Dergisi* 1.1: 105-116.
21. Бобожонова, Феруза Хаятовна. "БУХОРО МАДРАСАЛАРИ МАЪНАВИЯТ ДУРДОНАСИ." *Scientific progress* 2.1 (2021): 362-366.
22. Муродова, Дилрабо Шомуродовна. "ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА БУХОРОДА ИЛМ ВА ФАН (БУХОРО ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ МИСОЛИДА)." *Scientific progress* 2.1 (2021): 660-664.
23. Ochilov Alisher. "The Role of Zamanbaba Culture in The Social and Economic History of Bukhara Oasis During Bronze Age." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.4 (2021): 42-47.
24. JAMOLOVA, DILNOZA MUYIDDINOVNA. "THE END OF THE EMIRATE OF BUKHARA: THE END OF THE POLITICAL STRUGGLE BETWEEN THE JADIDS AND THE ULEMA." *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences* 1.1 (2021).
25. Jamolova, D. M. "Traveling to Modernity: Perception of Modernity of the Central Asian Muslims in the early 20th century." *International Journal of Psychosocial Rehabilitation* 9.24 (2020): 4202-4207.